



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI  
BOG‘OT TUMANI HOKIMINING  
QARORI**

**Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy**

2021 -yil 19 - Mart

5384 -son

Bog‘ot shaharchasi

“Нурли маскан” маҳалласида яшовчи фуқаро Отажонов Қадамбойга фермер хўжалиги ташкил қилиш учун узок муддатли ижарага ер участкаси ажратиб бериш тўғрисида

“Нурли маскан” маҳалласида яшовчи фуқаро Отажонов Қадамбойга фермер хўжалиги ташкил қилиш учун туман ҳокими номига йўллаган аризасини ҳамда бу юзадан фермер хўжаликлариға қишлоқ хўжалиги учун ер майдонлари ажратиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашининг хулосаларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6,53-моддаларига, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуннинг 11-моддасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти” тўғрисидаги қонуннинг 6-моддасига асосланиб

**Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:**

1. “Нурли маскан” маҳалласида яшовчи фуқаро Отажонов Қадамбойга И.Дўсов ҳудудидаги туман ер захира фондидаги қишлоқ хўжалиги харитаси бўйича 1505к, 1506к, 1507, 1516к -контурлардаги жами 18,1 гектар, шундан 6,2 гектар экин ери, 2,7 гектар кўллар остидаги, 0,7 гектар ариқ ва зовурлар остидаги, 0,7 гектар йўллар остидаги, 7,8 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлардан иборат бўлган ер участкасини балиқчилик йўналиши бўйича фермер хўжалиги ташкил қилиш учун 49 йил муддатга ижарага ажратиб бериш мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги фермер хўжаликлариға қишлоқ хўжалиги учун ер майдонлари ажратиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг хулосаси маъқуллансин.

2. “Нурли маскан” маҳалласида яшовчи фуқаро Отажонов Қадамбойга И.Дўсов ҳудудидаги туман ер захира фондидаги қишлоқ хўжалиги харитаси бўйича 1505к, 1506к, 1507, 1516к -контурлардаги жами 18,1 гектар, шундан

6,2 гектар экин ери, 2,7 гектар кўллар остидаги, 0,7 гектар ариқ ва зовурлар остидаги, 0,7 гектар йўллар остидаги, 7,8 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлардан иборат бўлган ер участкасини балиқчилик йўналиши бўйича фермер хўжалиги ташкил қилиш учун 49 йил муддатга ижарага ажратиб берилсин.

3. Боғот туман “Давлат хизматлари маркази” (З.Бекназаров)га тақдим этилган ҳужжатлар асосида фермер хўжалигини ташкил этиш ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси топширилсин.


4. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Д.Рўзибоев)га ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан туман ҳокими билан фуқаро Отажонов Қадамбой ўртасида ер участкасини узок муддатли ижарага олиш шартномасини тайёрлаш, рўйхатга олиш ва ер участкасини жойида (натурада) далолатнома асосида белгилаб бериш вазифаси топширилсин.

5. Фуқаро Отажонов Қадамбойга ўзига ажратиб берилган ер участкаси атрофларини бегона ўтлардан тозалаб бориш, ариқ бўйларига тут кўчатлари ўтказиш ва уларга қаровни белгиланган муддатларда амалга ошириш доимий вазифа қилиб белгилансин.

6. Ушбу қарорнинг тасдиғи Халқ депутатлари туман Кенгаши ҳамда вилоят ҳокимлигидан сўралсин.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Боғот тумани ҳокими



Ш.Яхшибаев